



КАРАРЫ

№ 130

Нөжис Каласы

« 26 » феврал 2018 й.ж

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 22 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг
айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги
134-сонли қарори ҳақида

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун
ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон
Республикасининг 2017 йил 14 сентябрдаги УРҚ-446-сон Қонуни

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш
ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини
йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил
14 сентябрдаги УРҚ-446-сон Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида
Вазирлар Кенгаши қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил
22 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 134-сонли қарори ижро
учун раҳбарликка олинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

- а) Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловата мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги;
 - б) вазирликлар ва идоралар устари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштириш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг иловата мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
4. Вазирликлар ва идоралар устари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.
5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.Жумановга юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси

К.Сариев

Вазирлар Кенгашининг
2018 йил « 26 » февралдаги
130-сонли қарорига
Илова

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг айрим қарорларига киритилгаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2011 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 сентябрдаги «Имкониятлари чеklangан болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари тўғрисидаги меърий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги 256-сонли қарори тўғрисида»ги 215-сонли қарори билан маълумот учун қабул қилинган:

а) 1-иллованинг 75-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Директор ҳар чоракда камда бир марта ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тегишли фуқаролар йиғинига тақдим этади»;

б) 2-иллованинг 50-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:
«Директор ҳар чоракда камда бир марта ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тегишли фуқаролар йиғинига тақдим этади».

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2013 йил 12 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 274-сонли қарори ҳақида»ги 244-сонли қарорига иловата мувофиқ маълумот учун қабул қилинган:

а) 1-банднинг ўнинчи хатбошидаги «табиати» сўзи «агроф муҳитни» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

11-бандда:

биринчи хатбошидаги «шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла» сўзлари чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолин), унинг ўринбосарларини (фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларини) ва маслаҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларининг ҳамда тафтиш комиссиясининг раисларини ва аъзоларини сайлайди»;

еттинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Ҳар чоракда камда бир марта фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), унинг ўринбосарларини (фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларини) ва маслаҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларининг ҳамда тафтиш комиссиясининг раислари, «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тўғрисида раҳбари, фуқаролар йиғинининг

диний маррифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, шунингдек, ички ишлар органлари таънч пунктлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича инспекторлари, таълим муассасалари ва кишлоқ врачлик пунктлари (оилавий полиглиникалар) раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади”;

Ун бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
Ун олтинчи-йигирма еттинчи хатбошилар тегишли равишда ун бешинчи-йигирма олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

Куйидаги мазмундаги йигирма тўртинчи хатбоши қўшилсин:

“кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва воқта етмаган болалари бўлган муҳтож оилаларга, икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга, шунингдек, бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналарга ҳамда уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нафақалар тайинлаш тўрисидаги масалаларни фуқаролар йигини ҳудуди бўйича назарда тутилган харажатлардан келиб чиққан ҳолда ҳал этади, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш максалларида марказлаштирилган тарзда ажратилмайдиган маблаглардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлайди”;

Йигирма тўртинчи-йигирма олтинчи хатбошилар тегишли равишда йигирма бешинчи-йигирма еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

Йигирма бешинчи хатбошидаги “Шаҳарча, кишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла” сўзлари чиқариб ташлансин;

Йигирма олтинчи ва йигирма еттинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;
12 ва 14-бандлар ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин;

18-банднинг биринчи хатбошидан “Таркибида маҳаллалар мавжуд бўлган шаҳарчалар, кишлоқлар ва овуллар фуқаролар вакилларининг йиғилишига маҳаллалардан фуқароларнинг вакиллари юборилади” жумласи чиқариб ташлансин;

19-банддаги “маслаҳатчиларидан” сўзи “ўринбосарларидан” (фуқаролар йигини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларидан) сўзлари билан алмаштирилсин;

20-банддаги “маслаҳатчиларидан” сўзи “ўринбосарларидан” сўзи билан алмаштирилсин;

23-бандда:
Куйидаги мазмундаги йигирма иккинчи хатбоши қўшилсин:

“фуқаролар йигини раисини (оксоқолини), унинг ўринбосарларини (фуқаролар йигини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларини) сайлайди”;

Йигирма иккинчи-йигирма бешинчи хатбошилар тегишли тегишли равишда йигирма учинчи-йигирма олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

26 ва 28-бандлардаги “маслаҳатчиларидан” сўзи “ўринбосарларидан” сўзи билан алмаштирилсин;

36-банднинг учинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Тафтиш комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида фуқаролар йигини бошқа органнинг аъзоси бўла олмайди. Айни пайтда фуқаролар йигини

кенгаши аъзолари, раиси (оксоқоли), унинг ўринбосарларини (фуқаролар йигини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларини) ва унинг маслаҳатчиларини, маъсул котиб, “Маҳалла посбони” жамоатчилик тўзимасининг раҳбари, фуқаролар йигини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларининг аъзолари Тафтиш комиссияси таркибига кириш ҳуқуқига эга эмас”;

40-банднинг учинчи хатбошидан “шаҳарча, кишлоқ ва овул” сўзлари чиқариб ташлансин;

47-бандда:

Учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
Тўртинчи-еттинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи-олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

48-бандга “Фуқаролар йигини раиси (оксоқоли),” сўзларидан кейин “фуқаролар йигини раисининг (оксоқолининг) ўринбосарлари (фуқаролар йигини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчилари),” сўзлари қўшилсин;

в) 3-илованинг 14-бандга “Яраштириш комиссияси таркибига” сўзларидан кейин “фуқаролар йигини раисининг (оксоқолининг) ўринбосарларидан бири,” сўзлари қўшилсин;

г) 4-илованинг 15-банди иккинчи хатбошига “фуқаролар йигини раисининг (оксоқолининг)” сўзларидан кейин “ўринбосарларидан бири ёки” сўзлари қўшилсин;

д) 7-илованинг 15-банди иккинчи хатбошидаги “маслаҳатчиси” сўзи “ўринбосари (фуқаролар йигини раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси)” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 9-илованинг номдаги ва 1-банднинг “табиатга” сўзи “атроф муҳитни” сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 13-иловада:

33-банднинг биринчи хатбошига “фуқаролар йигини раиси (оксоқоли)” сўзларидан кейин “ўринбосарлари (фуқаролар йигини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчилари),” сўзлари қўшилсин;

34-банднинг олтинчи хатбошидаги “маслаҳатчиларидан” сўзи “ўринбосарларидан” сўзи билан алмаштирилсин;

42-банднинг учинчи хатбошидаги “маслаҳатчиларидан” сўзи “ўринбосарларидан” сўзи билан алмаштирилсин;

59-банднинг биринчи хатбошига “Фуқаролар йигини раиси (оксоқоли)” сўзларидан кейин “фуқаролар йигини раисининг (оксоқолининг) ўринбосарлари (фуқаролар йигини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчилари),” сўзлари қўшилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2015 йил 13 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги “Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга доир намунавий низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 287-сонли қарори тўғрисида”ги 241-сонли қарори билан иловага мувофиқ тасдиқланган:

а) 1-илованнинг 15-бандидаги ва 16-банди биринчи хатбошидаги “табиатни” сўзи “атроф муҳитни” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованнинг 4-банди биринчи хатбошидаги “Қишлоқ фуқаролар йиғинларининг экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш комиссияларида” сўзлари “фуқаролар йиғинларининг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш комиссияларида” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2017 йил 25 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги “Мақтабача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 528-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги 518-сонли қарори билан иловага мувофиқ тасдиқланган:

а) 1-илованнинг 17-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“Давлат мақтабача таълим муассасаси мудири ҳар чоракда камидя бир марта ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботни тегишли фуқаролар йиғинига тақдим этади”;

б) 2-илованнинг 32-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“Нодавлат мақтабача таълим муассасаси раҳбари ҳар чоракда камидя бир марта ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботни тегишли фуқаролар йиғинига тақдим этади”;

в) 3-илованнинг 70-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“Мудир камидя бир марта ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботни тегишли фуқаролар йиғинига тақдим этади”.